

ТАДБИРКОР

Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг саҳифаси

Сўранг, жавоб берамиз

«Консалтинг фирмалари ва уларнинг асосий вазифалари нималардан иборат эканлигини билишни истаймиз. Агар иложи бўлса шу ҳақда маълумот берсангиз. Тождидин Акбаров, Сергели тумани».

Консалтинг — бу ишлаб чиқаришга иш юзасидан хизмат кўрсатиш соҳасида ихтисослашган фирмаларнинг ўз мижозларига маслаҳат хизмати кўрсатиш ва техникавий лойиҳаларни экспертиза қилиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият бўлиб, консалтинг фирмаларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

- тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун шериклар танлаш;
- маслаҳатчилик ташкилотларининг тараққий топишига ва хорижий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш;
- ягона ахборот-сўровнома фондини яратиш ва ягона реклама йўналишини амалга ошириш йўли билан уларнинг аъзолари фаолиятини умум мақсадлар йўлида жамлаш ва бошқалар.

Консалтинг фирмалари кичик бизнес соҳасида кенг тарқалган маслаҳат хизматларини амалга ошириш билан бирга зарурат туғилса, кичик бизнес корхона раҳбарлари ва мутахассисларининг малакасини оширишни ҳам ташкил этиши мумкин. Улар кўпчилик ҳолларда савдо, саноат палатаси, республиканинг миллий ва тижорат банклари билан яқиндан алоқа ўрнатади. Бу эса уларнинг ахборот хизмати бозорини шакллантириш йўлида амалга ошираётган ишлари даражасини орттириши ва кичик бизнес тараққий этиш учун сезиларли улуш қўшади. Кичик бизнесда консалтинг фирмалари тараққий топган маслаҳат хизмати бозорини бунёд этиш йўли билан тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига ёрдам кўрсатади.

Пойтахтимизнинг кенжа туманларидан саналмиш Бектемир туманида ҳам кичик ва ўрта бизнес равнақига, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Айниқса, бу борада улар кўпроқ мадад кутаётган туман Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ўрни ўзига хосдир. Палата раиси Мирқобил АЛИМОВ билан суҳбатимиз тадбиркорларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда, уларга энг яқин мададкор бўлишда амалга оширилаётган ишлар ҳусусида бўлди.

— Узбекистон Республикасининг «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тўғрисида»-ги Қонунининг бажарилишини таъминлаш ва мувофиқлаштириш, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ихтимой муҳофаза қилиш мақсадида палатани аъзолари сонини ўтган йилда 40 нафарга ошириб 416 тага етказган бўлсак, — дейди Мирқобил Алимов, — жорий йилнинг биринчи чорагида улар яна 18 нафарга кўнайди. Булар орасида албатта туман иқтисодиёти ривожига ўзининг муносиб хиссасини қўшаётган тадбиркорларнинг ўзига хос ўрни бор. Айниқса, «Патон-сервис», «Пресс-с» масъулияти чекланган жамиятлари, «Махсуполимерзавр» корхонаси, Сабохон Хайдарова, Хусан Аҳмедов сингари хусусий тадбиркорларимиз шулар жумласидандир.

— Палата тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашда ҳамда ҳуқуқий химоя қилишда қандай ишларни амалга оширмакда? — Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 166-қарорининг 6-бандида кўрсатилганидек, палата аъзолари бўлган кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ишлаб чиқариш-ҳўжалик ва молиявий фаолиятини текширишда, албатта ходимларимиз иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари қўлланилмоқда. Туман давлат солиқ инспекцияси билан келишилган ҳолда, тумандаги корхоналарнинг режага киритилган текширишлар ҳақида маълумотлар олинмоқда. Палата ходимлари ўтган йилда кичик ва ўрта бизнес субъектлари текширишларидан 35 тасида, жорий йилнинг биринчи чорагида эса 11 тасида иштирок этди. Шунингдек, тадбиркорлардан «Ишонч телефони»га тушган мурожаатларни ўз вақтида ҳал этиш чора-тад-

бирлари қўрилмоқда. Моддий-техник ресурсларга ва хом ашёларга талабдор бўлган тадбиркорларга кўмак бериш мақсадида палата ҳар йилнинг бошида «Узулгуржибиржасавдо» хиссадорлик жамияти бўлиналари билан келишув шартномаларини имзолайди. Ушбу йилда ҳам шартнома асосида бўлиналари билан бирга ўларни сотиб олиш ва расмийлаштириш бўйича маслаҳатлар бериб боришмоқда. Шунингдек, шаҳар, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан тақлиф қилинган турли хилдаги металл маҳсулотлари бўйича ҳар икки ҳафтада бўлиб ўтадиган аукционга эҳтиёж сезаётган корхоналар тақлиф этилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган ойи давомида шаҳар ҳокимияти, шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари ташаббуси билан ўтказилган тур-

да ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— Палатанинг олдидаги асосий вазифалардан бири туманимизга чет эл инвестициясини олиб кириш бўлиб, ушбу йўналишда ходимларимиз корхона раҳбарлари ва мутасадди ходимлар билан керакли ҳужжатлар тайёрлашда, муаммоларни ечишда биргаликда меҳнат қилишмоқда, изланишмоқда. Жумладан, туман бўйича чет эл кредит линиялари орқали молиялаштирилиши кутилаётган «Виза» масъулияти чекланган жамияти (ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш учун) 350 минг, «Ўзиталмотор» заводи қошидаги «Ўзтубуспласт» корхонаси (шиша ва пластмасса маҳсулотлари) 5 миллион, «Нерудник» акциядорлик жамияти (шағал, қум) 100 миллион, «Азус» масъулияти чекланган жамияти (ғўштни қайта ишлаш кичик заводи) 400 минг АҚШ доллари миқдоридан валюта олиш ишлари бўйича ҳужжатлар тайёрлаб, улар республика давлат мулки қўмитасида кўриб чиқилмоқда.

— Келгусида тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қандай вазифаларни ҳал этиш лозим деб ўйлайсиз? — Аввало, тад-

биркорларнинг ишончига сазовор бўлиш учун уларга эътиборни янада кучайтиришимиз, муаммоларни биргаликда ечиш йўлиларини топишимиз керак. Ана шунда яна қўллаб тадбиркорларни палата аъзоларига жалб этила оламиз. Шунингдек, тумандаги кичик ва ўрта бизнес корхоналарида ишлаб чиқарилаётган барча турдаги маҳсулотларни намойиш этиш, уларга харидорларни жалб этиш мақсадида туман ҳокимияти билан ҳамкорликда кўргазма залини очиб ниятдаимиз. Палата қошида фаолият кўрсатаётган «Ахборот-маслаҳат маркази» ишини янада яхши йўлга қўйиб, тадбиркорлар олдида ечимини кутаётган муаммоларни тезкорлик билан оқилона ҳал этишни кўзда тутганмиз. Шунингдек, чет эл валюта кредитлари сонини кўпайтириш ва экспорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқаришини амалга оширишда тадбиркорларнинг энг яқин кўмакчиси, маслаҳатчиси бўлишга интиламиз. Асосий мақсадимиз эса кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг раванг топилишига уларга мадад бўлиб, иқтисодиётимиз ривожига уларнинг салмоқли улушини таъминлашдир. Сухбатдош Шарофат БАХРОМОВА

Яқин мададкор бўламиз



Режалар ҳали олдинда

Бугунги кунда табиий чарм маҳсулотларига бўлган талаб катта. Ушбу хом ашёдан тайёрланган кийим-кечаклар кўпчилигининг эътиборини тортмоқда.

Ана шунинг ҳисобига олиб, Сергели туманида хусусий тадбиркор сифатида фаолият юритаётган Лола Галка ҳам чарм маҳсулотларини таъмирлаш, ундан янги бичимдаги кийим-кечаклар тайёрлаш, шунингдек мамлакатимизда тайёрланаётган чармдан замонавий, чиройли маҳсулотларни тижик харидорларга тортиқ этишини ниҳий қилган.

1999 йилда иш бошлаган Лола Галка аввалга фақатгина эски чарм маҳсулотларини таъмирлаб, ундан янги кийимлар, сумка, ҳамёнлар тайёрлаган бўлса, ҳозирда у бурюмталар асосида мижозларга ўз маҳсулотларини тақдим этмоқда. Ўтган йиллар мобайнида 2 нафар шогирд етиштириб, кичик тикув цехи очилса ҳам муваффақ бўлди.

— Мижозлар талаб ва тақлифларидан келиб чиқиб, бозорни ўрганиб

келгусида фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаб турибмиз, — дейди Лола Сунатовна. — Чарм ҳеч қачон эскирмайди, биз уни ўз меҳнатимиз билан янгилашга, сайқал беришга ҳаракат қиламиз, масалан, бир неча йил кийилган чарм маҳсулотидан янги нусхадаги кийим, сумка ва бошқаларни тайёрлаб берамиз. Шу билан бирга маҳаллий хом ашё — чармдан янги моделдаги бир неча

хил устки кийимлар яратишни кўзда тутганмиз. Ўз дўконимизни очиб режамиз ҳам бор. Лола Галка ўз хунарини эл-юртга манзур қилиш учун тинмай изланмоқда. Шу боис ҳам у икки йилдирки туман миқёсида ўтказилган «Ташаббус» курик-танловларида «Энг яхши хунарманд» номига сазовор бўлди. Пойтахтимизда бўлиб ўтган танловда эса муваффақиятли иштирок этиб, ўз маҳсулотлари билан йилгиланларда катта таассурот қолдирди. Интиланганга талла ёр, дейишади. Буни дилдан ҳис этган Лола Галка хамиша ўз мақсадларини амалга оширишга, харидорбоп маҳсулотлар яратишга интилиб меҳнат қилмоқда.

Дилноза ГИЁСОВА
СУРАТДА: Лола Галка (ўнгда) навбатдаги мижоз билан.

✓ ҲУҚУҚИЙ ХИМОЯ

Даъво қаноатлантирилиб, зарар ундирилди

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда, айниқса уларни ҳуқуқий химоялашда, ноқонуний текширишлар, фаолиятга беҳуда аралашиларнинг олдини олишда, ҳуқуқий билмларини оширишда Тошкент шаҳар Адлия божқармаси қошида иш юритаётган кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва химоя қилиш бўлими мутахассислари самарали фаолият юритишмоқда.

Бўлимга тушган аризалар ва «Ишонч телефони» орқали бўлаётган қўғирчиқларга ўз вақтида эътибор билан ёндошилаётганлиги, туманлардаги Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари билан ҳамкорликда ўтказилаётган семинарлар ўз самарасини бермоқда.

— Собир Раҳимов тумани, «Собзор» даҳаси, 45-уй, 186-хонадонда яшовчи Фукуро Маҳсуджон Валиев Бектемир тумани маийш хизмат кўрсатиш тадбиркорлар уюшмаси раиси Р. Маҳаматовнинг ҳаракатларидан норози бўлиб бизга ариза билан мурожаат қилган эди, — дейди бўлим мутахассиси Одижон Аллаев. — Аризада кўрсатилганча, М. Валиев жавобгар Р. Маҳаматов билан «Кўйлик» универсал бозори худудидеа эшик ва ромларни сотиш мақсадида дўкон олиш учун 1999 йил 11 февралда 36-сонли шартнома тузган. Унга асосан М. Валиев уюшма ҳисоб рақамига шартномада кўрсатилган муддатда 215 минг сўм пул тўлаган. Бектемир тумани маийш хизмат кўрсатиш тадбиркорлар уюшмаси раҳбари Р. Маҳаматов шартнома шартларини бажармаган, яъни М. Валиевга дўконни қўриб бермаган, шунингдек унинг тўлаган пулини ҳам қайтармадкан қилган.

Фукуро М. Валиев тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятидан маҳрум бўлиб, оқибатда 3 йил мобайнида туман маийш хизмат кўрсатиш тадбиркорлар уюшмасига катнаб юрган ва унга 100.000 сўм маънавий зарар етказилган бўлиб, шартнома бўйича тўланган 215.000 сўм пулни ва етказилган 100.000 сўм маънавий зарарини ундириб бериш ҳақида Адлия божқармасига мурожаат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 3-банди ва 5-қисмида ўз мулкига нисбатан қонунсиз хатти-ҳаракат содир этган мулкдордан моддий зарарини, шу жумладан бой берилган фойдани ҳамда маънавий зарарини айбдордан ундириб олиш кўрсатилган.

Қўриқдагиларга кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-сонли Қарорига асосан Фукуро Маҳсуджон Валиев фойдасига жавобгар Р. Маҳаматовдан шартнома бўйича тўланган 215.000 сўм пулни ва етказилган 100.000 сўм маънавий зарарини ундириш тўғрисида Адлия божқармаси Маҳсуджон Валиев манфаатини қўллаб Миробод туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво киритди.

Миробод туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг 2002 йил 13 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра шаҳар Адлия божқармасининг даъвоси қисман қаноатлантирилиб, 215.000 сўм шартнома бўйича тўланган пул ва 50.000 сўм маънавий зарар ундирилди. Албатта, ҳақ қарор топиши тадбиркорларнинг келгуси ишларида муҳим хисса бўлиб, уларни дадилроқ ҳаракат қилишга ундайди. (Ўз мухбиримиз)

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА

Долзарб масала муҳокамаси

Олий ўқув юртлири ва ўрта, ўрта махсус билим даргоҳларини ҳар йили минглаб йигит-қизлар битиради. Уларни ўз соҳалари бўйича иш билан таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳаёфиёлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилишида «Олий ўқув юртлири ва ўрта, ўрта махсус билим юртлирини битирувчи ёшларни иш билан таъминлаш борасида тегишли идора ва Вазирлик билан ҳамкорликда иш олиб бориш тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Тошкент шаҳарида 29 та инсти-

етиштириб чиқармоқдалар. Уларнинг кўпчилиги ўқишни олий ўқув юртлирида давом эттириш истагиди. Олий ўқув юртлири битирувчилари билан учрашув ва суҳбатларда уларнинг баъзилари ўқишни магистратурада давом эттириш, айримлари ишлаш мақсадида эканлигини билдиришди. Бундан ташқари баъзи талабалар ассоциациялар, концерн, корпорацияларга жойлаштириш учун йўлланмаларини уларнинг талабларига биноан тайёрлашмоқда. Кўпчилик олий ўқув юртлирида битирувчилар аукцион ўтказиш йўли билан ишга жойлаштирилмоқда. Лекин шунга қарамай битирувчиларни иш билан таъминлаш борасида муаммолар етарли. Шунингдек, ушбу масала юзасидан депутатлар сўзга чиқишиб ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Йиғилишда муҳоама этилган чун, тартибдаги масала юзасидан чоратадбирлар белгиланиб, Тошкент шаҳар Кенгаши комиссияси тегишли қарор қабул қилди. (Ўз мухбиримиз)

КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Махсус дастур асосида

Ҳозирги кунда малакали кадрларни етиштириш борасида амалий ва истиқболли захира номзодларини тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу йўналишда Собир Раҳимов туманида ҳам бир қанча амалий ишлар қилинмоқда. Туманда амалий ва истиқболли захира номзодларининг малакасини ошириш бўйича Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда махсус дастур асосида ўқув курслари ташкил этилди. Унга кўра етакчилик, раҳбар психологияси, ташкилотчилик маданияти, раҳбар ходимларнинг меҳнат жамоаси билан ишлаш тартиби, молиявий сиёсат ва молиявий бошқариш: муаммолари ҳал қилиш каби тўққизта долзарб мавзу танланиб, улар асосида тақрибли ўқитувчи-профессорларнинг маърузалари уюштирилмоқда. Тумандаги навбатдаги кадрлар кунда амалий ва истиқболли захирага олинган номзодлар иштирокидаги кенгайтирилган семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Миллий университети фалсафа кафедрасининг муdiri, профессор Саид Мамашқиров маъруза қилиб миллий истиқлол ғоясининг мамлакат ва миллиятнинг тараққийтидаги ўрнини мисоллар билан очиб берди. Семинар очик мулоқот тарзида ўтди. (Ўз мухбиримиз)

ИҚТИСОДИЁТ



Хуштаъм «Тошкент» чойи барчага манзур бўлмоқда

Қишнинг совуғида ҳам, ёзнинг иссиғида ҳам ҳуш ис таратиб, бир зумда чанқоғингизни босиб, чарқоғингизни тарқатувчи мазали чой ўзининг ҳузурбахшлиги билан ажралиб туради. Шу боис ҳам юртимизда кесакю ёш уни севиб истеъмол қилади. «Қани энди бир пиёла қайноқ чой бўлсайди», деб қўямиз қолида...

Бугунги кунда бебаҳо неъмат саналмиш чойнинг ҳам турлари кўпайиб кетди. Таъмига, ҳушбўйига, рангига қараб хоҳлаганингизни танлаш имкониятига эгадир. Лекин энг муҳими пойтахтимизда тайёрланаётган «Тошкент» чойининг харидорлар эътиборини тортиб, сифати билан ички бозорда ўз ўрнини эгаллаганидир. Ушбу чой маҳсулоти шаҳримизнинг Шайхонтоҳур туманида Англиянинг «INDIGO MANAGEMENT CORPORATION» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «TASHKENT TEA FACTORY» кўшма корхонасида қадокланмоқда. Асосий хом ашё, яъни Шри-Ланка давлатидан келтирилган чой корхона цехларига ўрнатилган замонавий дастгоҳлар ёрдамида малакали ишчи ходимлар томонидан қадокланиб, бурюмчаларга етказиб берилмоқда. Энг қувонарлиси, фаолият бошлаганига эндигина бир йилдан ошган корхона маҳсулотларининг бозорбоп ва харидорлиги, истеъмолчи талаби ва дидаги ҳар томонлама мусулқидир.

Ўтган йилда 10 нафар ишчи-хизматчи билан фаолият бошлаган корхонада бурюмчалар асосида ишлаб чиқариш ҳажми ортганилиги боис ҳам қўшимча иш ўринлари яратиш имконияти туғилди. 40 нафар ёшлар иш билан таъминланиб, бригадалар сони 5 тага етди. Уларнинг савий-ҳаракатлари боис ҳам кунига 2 тонна, бир ойда эса 40 тонна сифатли чой қадокланиб, мамлакатимиз савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда. Айни кунга келиб 5 турдаги чиройли ва беҳирим қадокланган, ҳар бири 88 граммдан бўлган қора ва кўк чойлар тайёрланмоқда.

— Кўшма корхонани ташкил этишдан асосий мақсадимиз, — дейди корхона бош директори Аббасқўжа Аҳмедов, — халқимизга сифатли, ҳуштаъм, чиройли қадокланган, импорт ўрнини босувчи чой маҳсулотини етказиб беришдир. Албатта, сифатга эътиборни биринчи ўринга қўйганимиз муваффақиятларимизга гаров бўлмоқда. Тайёрланаётган барча турдаги чойларимиз давлат патент корхоналарининг гувоҳномасига эга. Корхонамизга келтирилган чой хом ашёси, аввало лаборатория кўригини ўтказилиб, сўнгга цехларга қадоклаш учун рухсат берилади. Аввалга фақат қора чойлар қадокланаётган бўлса, қийнда бошқа кўк чой ҳам тайёрлашни йўлга қўйдик. Шу-

нингдек, қадоклаш учун ишлатиладиган қутиларнинг ташқи кўринишига ҳам алоҳида эътибор қаратамиз, қалбақлаштиришдан сақлаш учун махсус белгиларимиз бор. Ўтган йилда корхона маҳсулотининг муваффақияти анча салмоқли бўлди. Республика бўйича ўтказилган танловда «Йилнинг энг яхши чойи» ҳамда «Интерконтинентал» меҳмонхонасида ИнтерФут халқаро кўргазмасида «Энг мазали чой» медалларига сазовор бўлишди. «Ўзэкспомак»да ўтган йил якулири бўйича ўтказилган «Халқ истеъмолчи моллари — 2001» кўргазмасида муваффақиятли иштирок этиб, диплом билан тақдирландилар. Албатта, ушбу муваффақиятларга эришишда тадбиркор мутасаддилар ҳамда ўз ишини пухта ўзлаштириб олган ишчи-хизматчиларнинг ҳиссалари каттадир. Айниқса, маҳсулотнинг бекума кўст қадокланишига муносиб улуш қўшаётган Манзура Каримовна, Барно Ирназарова, Сурайё Алиматова, Фаридад Одилова, Наима Ғозиева, Захро Мелиеваларнинг сидқидилдан қилаётган меҳнатларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Изланиш ва интилишлар давом этаётган жамолада, албатта, ниятлар ҳам амалга ошади, янги-янги режалар юзасига келади. Ички бозорда ўз ўрнига эга бўлиб бораётган тадбиркорларнинг келгуси мақсадлари эса ташки бозорга ҳам чиқишдир. Бунинг учун ҳозирда хориждан янги технология олиб келиб ўрнатилган ҳаракат қилинмоқда. Бунинг натижасида яна 15-20 ишчи ўрни ташкил этилиб, янги навадиги чойлар қадокланади. Ушбу янги маҳсулот жаҳон андозалари даражасига тўла жавоб бериб, хорижга экспорт қилинади. Шунингдек, қадоклаш қутиларининг янги турларини яратиш устида ҳам ишлар давом этмоқда.

Шуниси эътиборлики, корхонада ишчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ювенил, кийинчи ҳамда дам олиш хоналари уларнинг хизматига. Яхши меҳнат шартининг натижаси эса ишдаги унумда ўз самарасини бермоқда. Жамоа тадбиркорлари саховат ишларида ҳам четда турлишгани йўқ. Буни пойтахтимиздаги «Еруғлик нури» кўзи оғизлар жамияти, республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, меҳрибонлик уйлари раҳбарларининг миннатдорчилик мактубларида ҳам кўриш мумкин. Сирасини айтганда, бежизга қўйнинг номи «Тошкент» деб аталмаган.



Мақсад мана шундай сифатли, рақобатбардор маҳсулотнинг ҳам пойтахтимиз каби машҳур бўлишига эришишдир.

ШАРИФА ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: ишлаб чиқариш бўйича директор Уринбосари Тохир Содиков қадокловчилар Хумайра Султонова (чапда) ва Муҳаббат Ҳакимовалар билан қадокланиш сифати ҳусусида суҳбатлашмоқда; корхона маҳсулотлари ўз номини оқламоқда.

Тохир Нигматуллин олган суратлар.

БАНДИК

Йўлланмалар олишди

Вактинча ишсиз фуқаролар билан бир қаторда касб эгаллаш ниятида юрган мактаб ўқувчилари ҳам бу тадбирда иштирок этишди. Ўзларини эскиртирган қаблар ва уларнинг сир-синоати билан яқиндан танишдилар. — Бизга 4-5 тоифали соловчилар, бўёқчилар, операторлар, назоратчилар ҳамда қўри қувватли электр билан ишлайдиган тақрибли электрликлар керак, — дейди «Алгоритм» корхонаси хори, макорон куриштиш мотосламлари, кичик новобўйонлар, «Чинар трайдинг»нинг чойнак-пиёла жамланмалари қатнашчиларда қизиқиш уйғотди. Тумандаги 43 та маҳалладан ва мактаблардан келган ўқувчилар да катта таассурот олишди. Шу кунги қоздан ортиқ вақтинча ишсиз бўлган фуқаролар ишга, айримлари янги касб ўрганиш учун ўқув марказларига йўлланмалар олишди. Зоир ТУРСУНОВ

03-03 Ўзбекистон Домо бўлач...

«Бошинга қилич келса ҳам ростини сўзлагин», деган гап бежиз айтилмаган. Яна бир донишманд «Ҳақиқат аччиқ бўлса ҳам унга кулоқ тут», дейди. Куйидаги ҳикоят шу маънода ибратлидир.

ҲИКОЯТ. Қадимги арабларнинг «Умавий» давлати халифаларидан Абдулмалик ибн Марвоннинг амири Хижоз Ироқ ва Хуросон ҳокими Ҳажжоз ибн Юсуфнинг тарих золимлиги билан қайд этади.

Бу ўта кетган дахшатли зolim бир кун овга чиқди. Қандайдир бир сабаб билан аскарларидан ажралиб қолди, катта бир нахрга йўқилиб туши, сувда суза билмагани учун Ҳижоз кета бошлаган эди, бир киши қўриб қилиб дарҳол югуриб келди, унинг қўлидан ушлаб, сувдан тортиб олди. У сувдан қутулиб чиққандан кейин боғи кишининг исмини, қаерда туришини унинг ўзидан сўраб билди. Шундан сўнг зolim ўз саройига қайтиб кетди. Эртаси кун у кишини топтириб келтириб ундан сўради:

— Сендан бир масалани сўрайман, агар тўғри жавоб берсанг, қўтуласан, бўлмаса, бошингни танингдан жудо қиламан, айтчи, халққа доимо жабр-зулм қилган киши ҳалокат чуқурига йўқилиб деб турганда, бир киши уни ҳалокатдан қутқазиб, халқнинг яна жабр-зулм остида қолишига сабабчи бўлса, у кишини нима қилиш керак? Унга жазо бериш керакми, йўқми?

У киши кеча сувдан қутқазган одами Ҳажжознинг ўзи эканини ағлади, ўзини тутиб олиб, қўрқмасдан шундай жавоб берди:

— Халққа жуда ҳам жабр-зулм қиладиган ашаддий зolimларнинг биттиси — сиздирсиз. Кеча сиз ҳалокат олдидан турган эдингиз, сизни қутқариб халқ учун фойдали иш қилдим, чунки сиздан аввал отангиз ҳоким бўлиб халққа зулмини ўтказган эди. Ҳамма нафратлиб, унга лаянат ўқирди, унинг ўлишини тилларди. Шу билан бирга, унинг ўли Ҳажжоз ҳоким бўлса, отаси каби зolim бўлмайди деб умид қиларди. Отангизнинг вафотидан кейин сиз ҳоким бўлдингиз, лекин халқнинг умиди пугча чиқди. Сиз отангиздан ҳам баттар зolim бўлдингиз, зolimликда отангизни йўлда қолдириб кетдингиз. Бари бир сиздан кейин ўлгингиз ўзингизга ўтиради, у сиздан ҳам баттар зolim бўлиши турган гап. Ундан қўра ўзи ўлмай тура турсин, ўлиги ҳоким бўлса, халқ яна ҳам кўпроқ жабр-зулмга гирифторм бўлади деб сизни ҳалокатдан қутқазшига ошқидим, — деди. У ростгўй кишининг сўзлари Ҳажжоз зolimга таъсир қилди. Ҳақиқат олдидан буйин эгиб, уни озод қилди.

БАЙТ:
Ким халойиққа тараххум қилмағай,
Бахту давлат унга асло келмағай.

Барчага маълумки, хирсу-таъма шумлик, таъмағирлик ва хорисманликнинг оқибати эса барча нарсадан махрумлиқдир. Барча бойликнинг асоси қаноатликда, барча ишларнинг яхши оқибат билан туғилиш нафс кўйига кам рағбатликдир.

ҲИКОЯТ. Тулки йўлда кетаётган бир чохнинг устидан чиқиб қолди. Қараса, сувсиз ва қоронғи экан. Шу он назари чоғ тағида марвариддек ялтйраб турган юмалоқ тошга тушди. Тулки у тошни пишлоқ деб ўйлади ва хирсонинг баланглигини ўзини чоғга ташлади. Бирок, у пишлоқ эмас, тош эканини кўриб, гоҳ халфа бўлди, борган сари бу бадгумоннинг ифлос жони гам-алам хирмони остида эзилверди. Бирок, иш қўлдан кетгач, пушаймонлик ва паришонликдан нима наф!

Тулки ўз аҳволининг ноқорлигини кўргач, ўз қилмишидан ҳижолат қечди. Унинг бирор чора топишига мажбури ва на халос бўлишига қодир ҳаёли бор эди. У чоғ ичига махбус бўлиб қолаверди. У юз уришиб, чора топишга, сабр қилишга қарор қилди ва иложини топса бирорта хийла ўйлаб топши фикрига тушди. Шундай қилиб, тулки чоғ ичиде ўтираркан, ноғох сувсаб-очикқан бир бўри айланиб юриб, чоғ тепасига келиб қолди. Чоғга қараб, бир нарсанинг ялтйраганини ва унинг ёнида тулкининг ўтиганини кўрди ва ундан:

— Эй биродар, бу ерда нима қилиб ўтирибсан? Шундай тору қоронғу жойга тушишни нега ихтиёр қилдинг? — деб сўради.

Тулки унга нозланди ва хийла йўлига ўтиб, шоша-пиша бўрига ҳалиги тошни кўрсатди ва деди:

— Қўнглимга пишлоқ ейиш орсуди келган эди. Шунинг учун уни излаб юрардим. Охири уни шу жойдан топдим.

Бетамиз бўрининг қорни оч эди. Тулкига:

— Менга ҳам бир хирсонини бер, очлик гуссасидан қутулай! — деди. Тулки мақолларга уста ва ҳар хил хийлаларга қон тулки бўрига қараб:

— Ке, бу ерга туш, ея кол! — деди.

Бўрининг ўйлаб ўтиришга тоқати йўқ эди. Ўзининг йўғон гавдасини ўткир иштаҳаси туфайли пишлоқ умидида сувсиз чоғда отди. Пишлоқ ўрнига қаттиқ тошни кўриб, тулкининг алдаганини билган бўри гам-га ботди. Сўнг ўқиб, тулкига маломат тошини отиб деди:

— Эй маълун, бу кўзгаган фитнаннинг сабаби нима? Нега бошимга бало тўфонини ёғдирдинг?

Тулки деди:

— Билмайсанми, одам балога муштало бўлса бошқаларни ҳам шундай балога дучор бўлишини хоҳлайди. Мен келаётган, бу чоғга тушиб кетдим. Сени ҳам унга тушишинг, бошимга тушган қулфатга ҳамдам бўлишингни истардим. Шожд сен туфайли бу ўлим чангалидан қутулиб қолсан!

Улар узаро гаплашиб туришаркан, ноғох хомтама ва хорисман деб айқ чоғ тепасига келиб қолди. У чоғ ичидегиларнинг дағдағи-у замзамаларини эшитиб, нега бу чоғга тушиб қолганларини сўради. Тулки бўрига айтган ёлғон гапларни айққа ҳам айтиб берди. Айқнинг юрагиде таъма тулкини туғён урди ва хирси аланга олиб, тезда ўзини чоғга ташлади. Унинг оғир гавдаси сувсиз чоғ остидаги тошга гурсиллаб тушиб, суякларини синди. Тулки бу гумрохнинг ҳолини кўриб дили шод ва гам илгидан жони озод бўлди.

Тулки бўрига деди:

— Эй азиз, бу қандай ажайиб иш бўлди! Бу аблаҳнинг ўлими биз учун ҳаёт демакдир! Қани, тез ўрингдан тур, бу аблаҳнинг бошига чиқ ва мен сенинг устинга чиқман, шу йўл билан чоҳдан қутулиб оламиз.

Бўри унинг хайрли гапини эшитиб, дарҳол ўриндан турди ва унинг айтганини қилди. Тулки урина-уринга тепага чиқиб олди. Сўнг бўрига деди:

— Эй азиз, сен бир нафас сабр қилиб тур, мен арқон топиб келаман ва сени чоҳдан тортиб оламан!

Тулки бўрини шундай ширин ваъда билан чоҳда қолдириди. Йўлдаги овчини етказиб чоғ устига олиб келди. Овчилар чоғдаги бўри билан айқни кўришга гач, тулкини тутишни ҳам унутиб бўрининг бўйинига арқон солдилар, торта-торта юқорига чиқариб олдилар.

БАЙТ:
Кимда хирсу нафс айласа жавлон,
Бўйинга тушади бир куни арқон.
Ҳар ким хирсу нафсин айласа мағлуб,
Оқибат ишлари бўлади марғуб.

Бугунги кунда «Ўзбектеlevision» ижодкорлари томонидан Ўзбекистон Қаҳрамонлари рухиде катор ҳужжатли фильмлар яратиб келинмоқда. Халқимизнинг фахри бўлган Ўзбекистон Қаҳрамонлари — Ўзбекистон халқ эзувчиси, таниқли адиб Саид Аҳмад, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ҳаёти ва ижодига бағишлаб яратилган ҳужжатли фильмлар ҳам кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Янги фильм тақдимоти

Куни кеча шаҳримиздаги Киночилар уйида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильмнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Маросимга таниқли адабиётшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, ҳурматли оқсоқоллар, шунингдек шоирнинг оила аъзолари, дўстлари таъриф бўюди.

Режиссёр Тоир Юнусов томонидан суратта олинган фильмнинг сценарий муаллифи Маҳмуд Тўйчиев бўлиб, унга Эргаш Шоюсопов операторлик қилган. Фильмда сеvimли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг болалиги, ёшлик давлари, сарқирра ва самарали ижод йўли, шунингдек ўзбек адабиётида тугган ўрни, таниқли адиблар А.Қаҳҳор, С.Аҳмад, Ҳ.Умарбеков, А.Ориповлар билан бўлган даврлардаги қизгин сўхбатлари эркин акс этган. Шоирнинг қалбларимиздан чуқур жой олган, адабиётимиз хазинасига муносиб хисса бўлган гоҳ сермазун шеърлари фильмнинг мазмун-моҳиятини янада бойитган. Ушбу янги ҳужжатли фильм йилгиланлар қалбиде унутилмас таассурот қолдирди.

Дилором ИКРОМОВА

ШАҲРИМИЗ ТАРИХИНИ ЎРГАНАМИЗ

бomis Амир Темурнинг Шаҳрисабдаги Оксаройида, Самарқанддаги Дилқушо боғида, Бобур боғларида, Бухоро амирларининг Ситорайи Моҳи Хосса саройларида бўлган. Шундай қилиб, гўзал ва шифобахш фаввораларининг борлигини ўрганишда XIV-XV асрларда Ўрта Осиё сарой меъморчилигида қурилган бўлиб, Европа ва Россияда анча кейинроқ XVII

либ чиққан сув ҳовузчаларга тушиб, сўнг ёпиқ ариқлар орқали ташқарига отилиб чиқиб кетган. Уш давр фаввораларининг тузилиши айланма шаклида бўлиб, атрофига ўз шаклига мос ҳолда кесишган мрамартош ётқизилган. Унинг айланаси бир метр бўлиб, унга сув сопол-қувурлар орқали келган.

Сарой атрофи ва ичидеги отма фаввораларни кўраб эканми, халқимиз, аждодларимиз яратган мўъжизавий меъморий санъат намуналарини нақадар бой ва мазмундор кўринишга эга эканлигини билиб оламиз. Юртимизда кейинроқ анча мураккаб муҳандислик қурилиши ва гўзал кўринишга эга бўлган фавворалар Тошкентда қурила бошланган.

Шундай қилиб, пойтахтимиз Тошкентда биринчи фаввора бундан 112 йил илгари 1890 йилда Князь Романовнинг хашаматли саройида (ҳозир Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига қарашли) қурилган. Кейинчалик 1902-1903 йилларда қурилган (ҳозир Республика амалий санъати музейи), 1939 йилда Бешёғочдаги марказий маданият ва истироҳат боғида, 1947 йилда Алишер Навоий (театри) майдонида, 1952-53 йилларда Хадра майдонида, 1970-1974 йилларда Мустақиллик майдонида, 1996-1997 йилларда Темурийлар тарихи давлат музейи ва хийбонида ажайиб шакллари, кўринишга эга бўлган, гўзал ва инсонга шифобахш салқин ҳаво берадиган фавворалар қурилди.

Бугунги кунда пойтахт шаҳримиз Тошкентда истироҳат боғлари, хийбонлар, жомоат бинолари комплекси, йирик санъат корхоналари, олий ўқув юрталари, элчионалар, меҳмонхоналар, мактаблар, шифоналар, болалар боғчалари ҳудудларида турли ҳажмдаги фавворалар инсон соғлиғига ижобий таъсир кўрсатиб, самарали меҳнатларидан сўнг маданий ҳордиқ чикаришларида хизмат қилмоқда.

Бу фавворалар кудратли, замонавий механизмлар билан қурилган энг ажайиб, гўзал ва сеvimли дам олиш масканларидир.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ

Фавворалар



Фавворалар

— XIX асрларда пайдо бўлганлиги тарихий асарларда ёзиб қолдирилган.

Қадимшунос олим Уткир Алимовнинг ёзишича XIV-XV асрларда Самарқанд атрофларида Амир Темур барпо этган боғлар ва саройлар олдиде жуда моҳирлик билан ишланган гўзал отма фавворалар алоҳида ўрин тутган. Жумладан Амир Темурнинг Дилқушо боғида бўлган Испания элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо бу ҳақда эслаб, куйидагиларни ёзади: «...Подшоҳ...маҳсул кўйилган баланд ўриндикда ўлтирар ва унинг олдиде сува телига отилиб турган фаввора бўлиб, фавворадe қизил олмалар қалқиб турарди...»

Фаввораларга сув маҳсул тайёрланган сопол қувурлар орқали келиб, ташқарига оти-

ЖИЛОСИ

Фаввора — деганимизда айниқса ёзинг иссиқ кунларида кўз олдимиизга тоза ва салқин ҳаво келади. Демак, фаввора иссиқ хавони салқин, ёқимли мўътадиллаштириб берадиган ва сувни юқорига, ёнга ёки пастрга отилиб туришини таъминлайдиган мослама — иншоот ҳисобланади. Шунга айтиш керакки, фавворадан отилаётган сувнинг шилдираши, шаршара шовқини асаб тизими ва ички секреция безларига соғломлаштирувчи таъсир этади. Шаршарадан тарқалувчи овоз тўлқинлари таъсирида организм мушакларининг ҳаракати кучаяди. Шу билан бирга у ажайиб, гўзал бир кўриниш шакл берадики, бу ўз навбатида ҳар бир чарчаб келган кишига ором ва яхши кайфият бахш этади.

Умуман олганда шаршара ва фавворалардан отилиб турадиган товушли сув инсон чарчоғини ёздирди ва асабини тинчлатилади. Шу боисдан бўлса керак ёзинг иссиқ кунларида шаҳарлик ёшу кексаларнинг кўпчилиги дам олишларини соя-салқин жойлар ҳамда «шифобахш» фавворалар атрофларида сермазун ва мароқли ўтказишга ҳаракат қилади.

Шу билан бирга фаввора шаҳар майдонлари, сарой ва хийбонларни безаш воситаси сифатида ҳам хизмат қилади. Қадимий фаввораларни биз Саъдий, Низомий, Навоий ва Бобурнома асарларига ишланган расмларда кўришимиз мумкин. Тарихий маълумотларга кўра истироҳат боғларини оройиш қилиш санъати қадимдан маълум. XIV-XV асрлар миниаторларида қаср ва саройларнинг олд киришда, майдончаларида гирди мрамар билан безатилган ҳовузларни кўраимиз. Ховузлар ёйсимон, тўртбурчак шаклида бўлиб, атрофи ва ичи тўқ қизил мрамар ва оқ мрамар билан безатилган, атрофларида ҳар хил гуллар ўтқазилган. Демак, қадимдан подшоҳлар, хонлар, амирлар ҳамда йирик амалдорлар ўзларининг боғу саройларида гўзал фавворалар қурдирганлар. Бундай фавворалар буюк бунёдкор бо-

АЛОҚАЛАР

Чехия олимлари билан ҳамкорликда

Чехиянинг «Остакор» фирмаси тўқимачилик маҳсулотларини пардозлаш технологиясини ривожлантириш борасида бой тажриба тўллабди. Ана шу нуфузли корхона йилга 6 минг тонна сифатли бўёк ва турли бўёк маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришмоқда. Бу хил бўёк маҳсулотлари Ўзбекистонга ҳам етказиб берилмоқда.

Фирманинг Тошкент тўқимачилик ва енгил санъат институти билан ҳамкорлиги ҳам яхши йўлга қўйилган. Тўқимачилик иплари ва газламаларни бўёш, бу хил маҳсулотлар сифатини янада яхшилашга қаратилган илмий изланишлар яқин алоқа самараси ўлароқ амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Чехиядаги Пардуцедегилар институтини ҳам ҳамкорликдаги тадқиқотларни олиб бормоқда.

Тошкент тўқимачилик ва енгил санъат институтида ўтказилган «Тўқимачилик маҳсулотларини пардозлаш муаммолари ва уни ҳал этиш имкониятлари» деган мавзудаги халқаро анжуман ишида чехиялик мутахассис олимлар ҳам фаол иштирок этишди. Анжуманда илмий-амалий ҳамкорлик доирасида олий ўқув юрти олимлари, аспирантлари ва талабаларининг маляка ошириш ва ишлаб чиқариш амалиётларини ҳамкорликда ўтказишга ҳам келишилди.

ДИКҚАТ: ЯНГИЛИК

Марказга сертифицикат топширилди

Ҳозир Тошкент тўқимачилик ва енгил санъат институтида талайгина илмий лабораториялар бор. Шу билан бирга яна қатор илмий марказлар ҳам фаолият кўрсатмоқда. «Либослар ва оёқ кийимлар дизайни» маркази ҳам шулар жумласидан.

Олий ўқув юрти яқинда яна бир йирик марказга эга бўлди. «Тўқимачилик материаллари сертифициацияси» деб номланган бу тадқиқот ўчоғи институт олимлари тадқиқотлари самараларини амалиётга татбиқ этишда муҳим омил бўлиб хизмат этади.

Бу ҳужжат Давлат стандарт идораси томонидан расмиyllаштирилди.

Эндиликда олий ўқув юрти қатор илмий амалий ишланмаларга сифат белгисини беришда маъмур марказ хизматидан фойдаланадиган бўлди.

(Ўз муҳбиримиз)

5 Июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни

Инсон ҳаёти унинг атрофини ўраб турган табиий муҳит билан нечоғлик боғлиқлигини тасдиқлайдиган манбалар ҳар қадам, ҳар лаҳзада ураб туради.

Жаҳон миқёсида жадал суръатлар билан кечатган илм-фан, техника тараққиёти одамларнинг яшаш ва меҳнат шароити, турмуш даражаси яхшиланшига ижобий таъсир этиш билан бирга, экологик ўзгаришлар Она — табиат, инсониятга асоратли таъсир кўрсатмоқда. Натижада, ҳар йили жаҳонда тоза ичимлик суви танқислиги оқибатида 12 миллионга яқин, безгак хуружи туфайли 1 миллиондан зиёд киши ҳалок бўлмоқда. Улим ҳолатларнинг 25 фоизи турли юқумли ва ўта юқумли касалликлар тарқалиши оқибатида руй бермоқда.

Ҳозирги пайтда минтақамизда атроф-муҳитга ва аҳоли сифат-саломатлигига салбий таъсир этаётган бир қанча экологик хавфли ўчоқлар мавжуд. Орол денгизи бўйидаги бўҳрон, фожиа нафакат Ўрта Осиё мамлакатлари, балки қўшни давлатлар, қолаверса, дунё афғор оммасини ҳам ташвишга солаётгани эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Бу ҳақда Президентимиз Ислам Каримов ўзларининг «Ўзбекистон XXI аср бугасида»: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» номи асарларида батафсил ёритиб, минтақада юзага келган экологик вазият тўғрисида алоҳида таъкидлаганлар.

Маълумки, инсоният ўзининг кўп минг йиллик тарихи мобайнида не-не экологик инқирозларни бошидан кечирган ва имконият даражасида уларни юксак ақл, дид, фаҳм-фаросат, покизалик, саранжом-сарийшалик, қатъий тартиб-интизом билан барқарор этган, барча зарур муҳофаза чора-тадбирларини кўрган. Бирок, шуни руй-рост айтиш жоизки, ҳозирги замондаги экологик вазият аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Шу хизматдан давлатимиз томонидан изчиллик билан олиб борилаётган экологик сийбасат ўзининг ниҳоятда амалийлиги билан эътиборга сазовордир.

Олдимизда кўндалан бўлиб турган долзарб муаммоларни ҳал қилишда халқимизнинг экологик билим даражаси, маънавияти, маърифати, маданиятини янада ошириш ҳаёт тақозоси албатта. Шундай экан, Юртобимиз таъкидлаганларидек, ҳар бир инсоннинг яшаш муҳити, табиат ва маънавият экологиясини унинг маънавияти ҳамда маданияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Бу борада халқимизнинг қадимий, ўзбекона бой маънавий мероси, урф-одати, удумларидан оқилона, унумли фойдаланиш жоиз ҳолос. Гап ўз-ўзиндан инсон саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ соғлом турмуш тарзини узулқис тарғибот қилиш, уни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш заруратини давр талаби даражасига кўтаради. Бу эзгу мақсадлар йўлида давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизими, аҳолини иж-

тимоий муҳофаза қилиш соҳаларида бир қатор ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, 2002 йилнинг Қарияларни кадрлаш йили деб эълон қилиниши нур устига аъло нур бўлди. Зеро, ёши улуг, табарруқ инсонларни кадрлаш ва уларни эъзозлаб, ҳурматларини бажо келтириш халқимиз табиатига хос ва мўб бўлган азалий анъаналаримиздан биридир. Қолаверса, бунинг замирида улгайиб келаётган ёшлар онгиде миллий истиқлол гоёси, аждодлар билан фахрлиниш, уларга муносиб фарзандлар бўлиш, буюк келажакни барпо этишда ўзларининг камтарона ҳиссаларини қўйиш каби ҳислатларни шакллантириш масалалари ётадики, бунинг тарбиявий аҳамияти ниҳоятда бекиёсаб.

Шу муносабат билан тузилган Давлат дастуриде қарияларимизнинг сифат-саломатлигини ҳар томонлама сақлаш ва мустаҳкамлаш учун жойлардаги маҳсул даволаш-муҳофаза муассасаларида

ли диабет, одамлардаги ҳаётда ортирилган имунитет танқислиги синдроми (ОИТС—СПИД), шунингдек, гиёванд моддалар, ўткир спиритли ичимликлар, кечкишга ружу қилиш ҳам инсон ҳаётига зомин бўлмоқда.

Табииёт олимлари, шунингдек кекса, донорларнинг ҳулосаларига кўра, узоқ ва мазмунли ҳаёт кечиршига жисмоний меҳнат, тўғри овқатланиш ва дам олишни яхши ташкил этиш туфайли эришиш мумкин. Масалан, улуг ҳажим Абу Али ибн Сино шундай ёзганлар: «Узоқ умр кўриш учун организмни мунтаза равишда чиқитириш, ўз вақтида тўғри овқатланиш, меҳнат қилиш, дам олиш ва айниқса бекордан-бекорга асабий бўлмаслик зарур». «Меҳнат тажрибани яратди, тажриба эса донишмандликни, улар гўё она-боладир», — деган экан Леонардо да Винчи.

«Ҳеч нима қилмай, бир жойда ҳаракатсиз ўлириш — қарияларнинг бахтсизлиғидир», — деб ёзган эди 82 ёшли Виктор Гого. Буюк ёзувчи Лев Толстой «Бахт нима?» деган саволга: «Бахт — бу инсон ўзининг маънавий ва жисмоний кучини тўла ҳис қилиб, меҳнат фаолиятини жамият маънавияти йўлида қўлайли биллиш», — деб жавоб берган экан.

Хулоса ўрнида бир ибратли ривоятни келтиришим жоиз деб топдик. Бир машҳур кекса табиб оғир дардга қалиниб, ҳаёт билан вилдолиши чоғида сеvimли шогирдларига шундай васият қилган экан: «Вафот этганимдан сўнг ўрнимга қолажак учта табибининг маслаҳатларидан чиқмай, бошқаларни ҳам шунга даъват қилинганлар. Шогирдлар бу уч табибининг қилмигини сўрашганлариде, устоз табиб шундай деди: «Мен айтган уч улуг табибининг бири — поклик, иккинчиси — парҳез, учинчиси — узулқис бадантарбиядир. Агар инсон мана шу учта йўл-йўриққа қатъий амал қилса, саломатлиги тобора мустаҳкамланиб, узоқ йил умр кўради».

Инсон Яратганнинг олий маҳсули, табибининг азизу мукаррам хилқати, ҳаёт гултоғи, жонзотлар ичиде сарваридир. У ҳаётга бир марта келиб, яшаб қамолга етади, меҳнат, машаққатлар билан бахт-саодатини топади. Шундай экан, Она табиати кўз қорачиғидеги асраб-авайлаш, ҳалол ва покиза яшаш, саломатлигимизни сақлаш ва мустаҳкамлаш, қолаверса, узоқ ва мазмунли умр кечиршига ўз қўлимизда азизлар, шунга амал қилайлик.

Искандар РАҲМОНОВ,
Алиаскар СУВОНКУЛОВ,
Карим ХУДОЙҚУЛОВ,
Самандар ҲИҚМАТҲУЛЛОВ,
Фуқаро муҳофазаси институти ўқитувчилари.

ТАДБИРЛАР

Яқинда пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги «Ватан» маҳалласида «ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ва туман маҳалла фаоллари ҳамкорлигида «Оила ва экология» мавзуда тадбир бўлиб ўтди.

Оилалар озодаллигини кўзлаб

«Ватан» маҳалласи фаоллари ҳамда «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Шоира Иброҳимова иштирок этган ушбу тадбирда дастлаб маҳалла оқсоқоли Озод Ризасев сўз олиб фуқароларнинг ҳамжихатликда ободонлаштириш ишларида ушшоқлик кўрсатишганлиги ҳақида гапирди. Турли миллат вакилларидан иборат ушбу маҳалла аҳли ўзаро тотувликда «Маҳалла — фаҳрим» шiori остида фаолият юритаётганликларини, бундан бунён ҳам бамаслаҳат, иноқликда, бир ёқадан бош чиқариш зарур эканлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, «ЭКОСАН»

АНЖУМАНЛАР

Қизиқарли мулоқот

Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигида туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, санитария-эпидемиология маркази шифокорлари иштирокида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

«ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг Мирзо Улуғбек туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган ушбу тадбирда иштирок этганлар асосан тумандаги санитар ҳолатни яхшилаш, экологик аҳволни соғломлаштириш муҳим вазирлардан эканлигини яна